O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 28 июль, № 147 (4810) Сешанба

***МУСТАҚИЛЛИК БИЗ УЧУН — ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ, ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИНИНГ, ИНСОН МАНФААТИ, ЭРКИНЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ, БИЗ КЎЗЛАГАН ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ГАРОВИДИР.***

## КОРХОНАНИНГ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАРИ

### ички ва ташқи бозорда ўз харидорларини топмоқда




***Мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, хусусан, сифатли кийим-кечаклар билан бойитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда мавжуд фабрикалар техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланиб, ҳар йили кўплаб янги корхоналар бунёд этилаяпти. Сурхондарё вилоятининг Музработ туманидаги «Музработ-трикотаж» масъулияти чекланган жамияти ҳам ана шулардан биридир.***

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Бу ерда Туркиянинг «Эрол» компаниясидан йилига 150 минг дона трикотаж маҳсулоти ишлаб чиқарадиган замонавий линия олиб келиб ўрнатилди. Натижада туманнинг Шариф Бобоев номидаги маҳалласида 60 та янги иш ўрни яратилди.

— Дастлабки 15 кунда 30 миллион сўмлик кийим-кечаклар ишлаб чиқардик, — дейди корхона раҳбари Шуҳрат Жумаев. — Маҳсулотлар сифатли ва нархи нисбатан арзонлиги учун пешма-пеш сотилмоқда. Эътиборлиси, ҳозирданоқ Россия ва Афғонистон давлатларидан буюртмалар олдик. Ҳадемай, маҳсулотимизни "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи билан ушбу давлатларга экспорт қила бошлаймиз.

Айни пайтда корхонада тайёр матодан кийимлар тикилмоқда. Технология ва ускуналар тўлиқ олиб келингач, мато шу ернинг ўзида тўқилади. Ана шунда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар тури 55 тага етади.

— Қишлоғимизнинг кўплаб ёшлари, айниқса, хотин-қизлар ушбу корхонанинг фаолияти йўлга қўйилганидан жудаям хурсанд бўлдик, — дейди жамият ишчиси Наимахон Юнусова. — Ойлик маошимиз юқори, ишдан бўш вақтимизда дам олишимиз учун барча шароитлар яратилган. Иш бошлашимиздан олдин махсус ўқув курсида сабоқ олганимиз туфайли ҳозир хорижнинг замонавий технологиясини ўзимиз бемалол бошқараяпмиз.



**СУРАТДА:** жамият ишчиси Моҳина Сафархўжаева.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

## НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ, РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

***ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Нукус шаҳрида бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида Қорақалпоғистон Республикасини 2009 йилнинг биринчи ярмида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг устувор вазифалари муҳокама этилди.***

**Сарҳисоб**

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Б. Янгибоев бошқарган йиғилишда тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Унда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2009 йил 13 февралда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар ижросига қаратилди.

Йиғилишда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг натижалари кўриб чиқилиб, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш, қишлоқ жойларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, хизмат кўрсатиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш, банк тизимини такомиллаштириш, аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги устувор вазифалар чуқур таҳлил этилди.

Қорақалпоғистон Республикасида жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатлари таъминланди. Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 106,4 фоизни ташкил этди. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қиймати 415,6 миллиард сўмга етди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 7,2 фоизга, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 10,5 фоизга, қурилиш-пудрат ишлари 24,1 фоизга, чакана савдо 13,1 фоизга, пуллик хизматлар кўрсатиш 13 фоизга ортди.

Инвестицияларни кенг жалб этиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ишлари натижасида 383,5 миллиард сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилди. Жорий йилнинг биринчи ярмида 36 та ишлаб чиқариш иншооти фойдаланишга топширилди. Шу жумладан, озиқ-овқат ва истеъмол товарлари тайёрлаш бўйича янги ишлаб чиқариш қувватлари ўзлаштирилди. Экспорт миқдори белгиланган прогноз кўрсаткичларига нисбатан 47,5 фоиз ўсди.

Инқирозга қарши чоралар дастури ижросини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳисобидан 6 минг 900 дан зиёд иш ўринлари яратилиб, бу борада белгиланган режа 104,5 фоизга уддаланди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 42 фоизга, хизматлар кўрсатиш соҳасида 59,4 фоизга кўпайганлиги алоҳида таъкидланди.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури асосида ўтган давр мобайнида Қорақалпоғистон Республикасида 27 километр газ ва 58,2 километр ичимлик суви тармоқлари ётқизилди, 113,1 минг квадрат метр якка тартибдаги уй-жой қурилди.

Шунингдек, мажлисда савдо тизимида ва истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчи корхоналарда меъёридан ортиқ маҳсулот қолдиқларига йўл қўймаслик, жойларда мактаб бозорларини ташкил этиш, иқтисодиёт тармоқлари, уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларини кузги-қишки даврга тайёрлашнинг бориши ҳақидаги масалалар ҳам атрофлича муҳокама этилиб, галдаги вазифалар белгиланди.

Мажлисда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М. Ерниязов сўзга чиқди.

* * *

**ТОШКЕНТ** шаҳар фаолларининг йиғилишида пойтахтимизни 2009 йилнинг биринчи ярим йиллигида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда жорий йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг устувор вазифаларини амалга оширишни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Тошкент шаҳар ҳокими А. Тўхтаев бошқарган йиғилишда молиявий-иқтисодий инқироз дунёнинг кўплаб мамлакатларига ўз таъсирини ўтказаётган ҳозирги пайтда республикамизда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш, молиявий барқарорликни сақлаш, ишлаб чиқаришда ўсиш суръатларини таъминлаш ва аҳолини ишончли ижтимоий ҳимоя қилишда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

## «ЁШЛИК» ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИ

**пойтахтимизда таҳсил олаётган ҳар бир йигит-қизнинг чуқур илм эгаллаш ва дунёни теран англаш масканига айланаётир**

**Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига**

Бугуннинг ёшларига ҳар жиҳатдан ҳавас қилса арзийди. Зеро, улар барча шарт-шароитлар муҳайё этилган кўркам ўқув даргоҳларида таълим олмоқдалар. Ҳеч кимдан кам бўлмай, ўз орзу-мақсадлари сари дадил интилаётган бундай йигит-қизларнинг, шубҳасиз, келажаги ёруғ, эртаси фаровондир.

Пойтахтимизнинг "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари ҳам ана шундай юксак ғамхўрликнинг ёрқин бир далили. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бу ерда бажарилган кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари натижасида қисқа фурсатда шаҳарча бутунлай янги қиёфа касб этди. Талабалар тураржойлари бугунги кун нуқтаи назари, талаба-ёшларнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, капитал таъмирланиб, уларда барча зарур шарт-шароитлар яратилди. Компьютер ва интернет хоналари, кутубхона, ошхона, тренажёр, теннис, кураш заллари, муҳташам сув спорти саройи, очиқ футбол майдонлари, сўлим боғлару ям-яшил арчазорлар, барча-барчаси бир-бирига уйғунлик касб этиб, шаҳарча чиройига чирой қўшиб турибди. Шунингдек, бу гўшада мамлакатимиздаги энг нуфузли олий таълим муассасалари — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети, Тошкент Тиббиёт академияси ҳамда Тошкент давлат юридик, Молия институтлари ўқув биноларининг бир қисми ва талабалар тураржойлари, шунингдек, Ўзбекистон давлат санъат институти талабаларининг тураржойи ҳам жойлашган. Умуман, кўҳна кентнинг энг обод ва гўзал ҳудудларидан бирига айланиб улгурган мазкур шаҳарчада жами 24 та таълим муассасаси мавжуд. Шаҳарча бугунги кунда нафақат Тошкент шаҳри, айни чоғда мамлакатимиз миқёсида талабаларнинг замонавий таълим-тарбия олиб, келгусида Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги йўлида муносиб хизмат қиладиган салоҳиятли мутахассислар бўлиб етишишини мувофиқлаштириб турувчи ўзига хос марказга айланаётир.

"Универсиада — 2007" мусобақаларига тайёргарлик кўриш жараёнида Ўзбекистон Миллий университети ҳудудида 50 метрлик усти ёпиқ сув спорти саройи, Тошкент давлат техника университетида 25 метрлик сув ҳавзаси ва замонавий спорт мажмуи, Тошкент Тиббиёт академиясида 4000 томошабинга мўлжалланган стадион барпо этилди. Мазкур олий ўқув юртлари ҳудудидаги ўнлаб футбол, баскетбол, қўл тўпи майдонлари ва бошқа спорт иншоотлари қайта таъмирланиб, замон талаблари асосида тўла жиҳозланди.

Айниқса, шаҳарчадаги "Ихтисослаштирилган сув спортини ривожлантириш маркази"нинг жаҳон андозалари талаблари даражасида бунёд этилганлиги ёшлар учун чинакам совға бўлди. Бугун ушбу муҳташам сув спорти саройи нафақат талабалар, балки шаҳарча ҳудудидаги маҳаллалар ёшлари билан ҳам гавжум.

(Давоми 4-бетда).

Жорий йилда мамлакатимиз ғаллакорлари ҳар қачонгидан мўл ҳосил етиштириб, Президентимиз табригига сазовор бўлдилар. Хирмон донга, тандир нонга тўлиши муносабати билан, аввал хабар қилганимиздек, юртимизнинг барча ғаллакор туманларида "Ҳосил байрами" зўр кўтаринки руҳда нишонланди.

## ФИДОЙИ ҒАЛЛАКОРЛАРГА ЭҲТИРОМ

**Озод ва обод юрт байрамлари**

Мамлакатимизнинг улкан ғалла хирмонига қорақалпоғистонликлар ҳам муносиб улуш қўшдилар. Бу катта ғалабада қишлоқ хўжалик ходимлари, комбайн операторлари ва юк ташувчилар, дон қабул қилиш пунктлари ишчилари, уруғлик, ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғит етказиб берувчилар, хуллас, барча фидойи кишиларнинг меҳнати мужассам.

— Бу йилги ғалламиз ҳар йилгидан сифатли ва салмоқли, — дейди Элликқалъа туманидаги "Элита тўртёб" фермер хўжалиги раҳбари Ҳабибулла Каримбоев. — Айниқса, баҳорнинг ёғин-сочинли келиши қаҳратон қишдан омон чиққан буғдой ниҳолларининг равж ўсиши учун қулай шароит яратди. Хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг жамоалари оғиримизни енгил, узоғимизни яқин қилишди.

Ўрим-йиғим пайтида замонавий комбайнлар ёрдамида далалардаги буғдойнинг бир мисқоли ҳам нест-нобуд қилинмасдан йиғиштириб олинди. Қабул қилиб олинган ҳосил эса қайта ишлаш корхоналарига пешма-пеш жўнатилди.

Тантанада сўзга чиққан фермерлар ўзлари учун яратиб берилаётган шарт-шароитлар учун Президентимизга миннатдорлик изҳор қилдилар. Шоирларнинг шеърлари, санъат устала-

(Давоми 2-бетда).

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг Малайзиядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Шукур Собитов ушбу мамлакат қироли Мизан Зайнал Абидинга ишонч ёрлиқларини топширди.

Бўлиб ўтган мулоқот чоғида Малайзия қироли сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги Ўзбекистон — Малайзия муносабатларининг бугунги ҳолати ва ривожланиш истиқболларини ижобий баҳолади.

Малайзия қироли унинг мамлакати икки давлат халқлари манфаатлари йўлида Ўзбекистон билан Малайзия ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга қизиқиш билдираётганини маълум қилди.

**«Жаҳон» АА.**

## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

**ҚАШҚАДАРЁ. "Шўртангазкимё" мажмуасининг тозаланган метан гази асосида синтетик суюқ ёнилғи (СТИ) ишлаб чиқариш лойиҳасини рўёбга чиқариш борасида яна бир қадам қўйилди.**

### Ишлаб чиқариш ҳажми ортади

Ушбу лойиҳани амалга оширишда иштирок этаётган Малайзиянинг "PETRONAS" корпорацияси ва Жанубий Африка Республикасининг "SASOL" компанияси вакиллари "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси билан қўшма корхона ташкил этиш тўғрисидаги келишувга имзо чекдилар.

Айтиш лозимки, бу қўшма корхона "Шўртангазкимё"мажмуида ишлаб чиқарилаётган тозаланган метан газидан дизель ёнилғиси, керосин, нефть ва суюлтирилган газ ишлаб чиқаради. Маҳсулотнинг умумий йиллик ҳажми 1,3 миллион тоннани ташкил этиши мўлжалланмоқда.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

### Таннархи арзон, жиҳозлари бежирим

***САМАРҚАНД туманидаги "Гулободмебель" корхонасининг маҳсулотларини бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида учратиш мумкин.***

Бу ерда тайёрланаётган юмшоқ мебель, уй, ошхона ва идора жиҳозлари сифатлилиги жиҳатидан хорижникидан қолишмайди. Шу боис жамият маҳсулотлари анча харидоргир. Қолаверса, маҳсулотнинг маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётгани таннархнинг арзонлигини таъминламоқда. 65 киши меҳнат қилаётган "Гулободмебель"да ойига 125 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилаётир.

**А. САТТОРОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

***УЙЧИ туманининг Ўнҳаёт шаҳарчасидаги 29-умумтаълим мактаби жамоаси янги ўқув йилини янгиланган кўркам бинода кутиб оладиган бўлди.***

### Қурувчилар туҳфаси

Қурувчилар бу ерда 747 миллион сўмлик бунёдкорлик ишларини амалга ошириб, таълим даргоҳини мукаммал реконструкциядан чиқардилар.

Жумладан, 315 ўринли ўқув биноси ҳамда спорт зали барпо этилди. Фан хоналари, лаборатория ва устахоналар замон талаблари даражасида жиҳозланди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

### Хорижликларга ҳам манзур

***ФАРҒОНА. Тошлоқ туманидаги "Водий-Тошлоқ текстил" корхонасининг сифатли маҳсулотлари хорижда ҳам харидоргир бўлиб бормоқда.***

Хусусан, ўтган йили корхонанинг 235 кишилик жамоаси 1 миллион 129 минг АҚШ долларилик маҳсулотни экспорт қилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида 800 минг долларлик калава ип чет эллик буюртмачиларга етказиб берилди.

**Н. СОБИРОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

## Ўзбекистон иқтисодиёти: ФИДОЙИЛИК, ИЗЧИЛЛИК ВА ЮКСАЛИШ

**Бир рақам шарҳи**

**2009 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида республикамизда банк тизимининг инвестицион фаолиятини фаоллаштириш, қулай инвестиция муҳитини яратиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрилгани натижасида:**

- ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажмлари **32,7** фоизга;
- шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш **2,6** баробар ўсди.
- Ишлаб чиқариш инвестицияларига эса жами инвестициялар ҳажмининг **71,1** фоизи йўналтирилди.

*Мустақиллик — ҳуқуқ дегани, эркин яшашга, фаровон турмуш қуришга интилишу имконият демакдир. Шу боисдан ҳам истиқлолнинг илк йиллариданоқ мамлакатимизда кучли фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат бунёд этишга дадил қадамлар ташланди. Аслида ҳуқуқ шунчаки бериб қўйиладиган ёки бошқача айтганда, ўз-ўзидан пайдо бўладиган нарса эмас. Ҳар бир фуқаро, аввало, ўз ҳуқуқи учун курашиши, бурч ва мажбуриятини яхши билиши, англаши даркор. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурининг туб замирида аҳолида ҳам ана шу туйғуни шакллантириш, қонун устуворлигига эришиш, қабул қилинаётган янги қонун ҳужжатларини кенг тарғиб этиш кўзда тутилган.*

# ЮКСАК ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

## кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим омилидир

Шу маънода, мамлакатимиз парламенти томонидан 1997 йилда қабул қилинган ушбу дастурнинг ижро этилиши айни заруратдир. Зеро, юксак ҳуқуқий маданият демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим етуклигининг ифодасидир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси мазкур дастурнинг Жиззах вилоятидаги ижросини назорат-таҳлил тартибида ўрганишда масаланинг ана шу жиҳатига асосий эътибор қаратди.

Айтиш жоизки, дастур ижроси вилоятдаги мутасадди идоралар томонидан изчил амалга оширилаётир. Вилоят ҳокимлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, адлия органлари ҳамда жамоат ташкилотларининг ҳамжиҳатлик билан иш олиб бораётгани бу борада бажарилаётган тадбирларнинг самарадорлигини оширмоқда. Бундай ишлар миқёсини ўтган йили икки мингга яқин ҳуқуқий-тарғибот тадбирлари ташкиллаштирилгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Уларда, табиийки, ҳаётимизга татбиқ этилаётган янги қонунлар, тегишли фармон ва қарорларнинг мазмун-моҳияти, ўзига хосликлари хусусида соҳа мутахассислари томонидан тушунтиришлар берилди. Бу тадбирлар кўлами ва изчиллиги жорий йилда янада кенгаяётир. Масалан, 2009 йилнинг биринчи чорагида ташкиллаштирилган етти юзга яқин ана шундай турли тадбирлар долзарблиги, аҳоли учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги билан ниҳоятда зарурдир. Чунончи, жорий йил 9 апрель куни Зарбдор туманидаги иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида вилоят ички ишлар идораси томонидан уюштирилган давра суҳбатида муҳокама этилган мавзу кўпчиликда катта қизиқиш уйғотган. Унда мамлакатимизда одам савдосининг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий асослар, хусусан, "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Президентимизнинг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг мазмун-моҳияти ҳақида иштирокчиларга кенг тушунтиришлар берилган.

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурида оммавий ахборот воситалари орқали аҳоли орасига кенг ва чуқур кириб боришга алоҳида урғу берилган.

### Парламент назорати

Шу боисдан Жиззах вилоятида маҳаллий телевидение, радио ва газета-журналлар имкониятларидан самарали фойдаланилмоқда. Вилоят телевидениесида мунтазам бериб борилаётган "Сизнинг адвокатингиз", "Инсон ва қонун", "Қарор ва ижро", "ТВ-адвокат" сингари кўрсатувлар фуқароларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларидан янада мукаммал воқиф бўлишларига замин яратмоқда. Вилоят ва айрим туман прокуратуралари муассислигида "Адолат ёлқини", "Ҳуқуқ ва ҳаёт", "Масъулият" сингари газеталар чоп этилаётгани қонунларнинг амалдаги ижроси, уларнинг кенг тарғиб-ташвиқ этилишида айни муддао бўлмоқда.

Таҳлиллар давомида яна шу нарса маълум бўлдики, ишлар кўлами ҳамма жабҳада ҳам кўнгилдагидек эмас. Мисол учун, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари, доимий комиссиялар, депутатлар Миллий дастур ижросини таҳлил этишда сусткашликка йўл қўйишмоқда. Маҳаллий кенгашларнинг Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича доимий комиссиялари режаларидаги айрим бандлар ижроси бажарилмасдан қолиб кетмоқда. Дейлик, мазкур доимий комиссия 2008 йилги иш режасида "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг Зафаробод, Зарбдор, Арнасой, Жиззах туманларида ижро этилишини ўрганиш белгиланган бўлса-да, амалда бу тадбир бажарилмаган. Кишини ўйлантирадиган жиҳати, айрим туман кенгашларининг ушбу йўналишда фаолият юритадиган доимий комиссиялари ўз иш кўламини, моҳиятини яхши англаб етган эмас. Акс ҳолда, халқ депутатлари Пахтакор, Дўстлик туманлари кенгашларининг Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича доимий комиссиялари 2009 йилги иш режасида "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида", "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги қонунларни кўрсатмаган бўларди. Чунки бу қонунлар ижросини ўрганиш билан шуғулланиш моҳиятан комиссиялар зиммасидаги вазифа саналмайди.

Дарҳақиқат, парламент томонидан тасдиқланган Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури, шунингдек, Президентимизнинг «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармони ҳамда мазкур ҳужжатларда белгиланган қоидаларни ижро этиш чора-тадбирлари хусусидаги ҳукумат қарорида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш юзасидан олиб борилаётган ишлар — давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланган. Демак, унинг ижроси жамият ҳаёти учун устувор аҳамиятга эгадир.

Шу боисдан Олий Мажлис Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси миллий дастур ижро этилишини ўрганиш натижаларини халқ депутатлари Жиззах вилояти кенгашида муҳокама этар экан, маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг, мутасадди ташкилот ҳамда ўзини ўзи бошқариш органларининг масъуллигини кучайтириш лозимлигига алоҳида урғу берди. Зотан, қонун устувор бўлган, фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан бохабар жамиятдагина ривожланиш, мустақил қарашлар, ҳурфикрлилик қарор топади.

**Неъматилла ФАЙЗИЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси.**

# НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ, РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотлар пойтахтимизда ҳам ўзининг юксак самараларини бермоқда. Иқтисодиёт реал сектори тармоқларида кузатилаётган ижобий тенденциялар, айниқса, саноат ва истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қурилиш ишлари, чакана савдо, пуллик хизматлар кўрсатиш соҳаларида эришилган барқарор ўсиш суръатлари — ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 13,6 фоиз ўсиши таъминланди.

Иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари — корхоналарда маҳсулот таннархини камайтиришга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши, айниқса, экспорт қилувчи корхоналарнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши натижасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 13,7 фоиз, истеъмол товарлари ҳажми 15 фоиз, пудрат қурилиш ишлари 20,6 фоиз, хизматлар ҳажми 20,8 фоиз, экспорт эса 46,5 фоиз ортди.

Ишлаб чиқариш ва инфратузилмани ривожлантириш, иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича қабул қилинган дастурлар доирасида 196,8 миллиард сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарилиб, бунинг ҳисобига 190 та янги иш ўрни яратилди.

Ҳисобот даврида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган эътибор ҳамда хизматлар сифатининг ошиши, янги турларининг жорий этилиши самарасида ушбу соҳанинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 65,4 фоизни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,2 фоиз кўпдир.

Пойтахтимизда аҳолини иш билан таъминлашни янада яхшилаш ва касаначиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йил бошидан буён қарийб 48 минг янги иш жойи яратилиб, белгиланган мақсадли режа 113,8 фоиз бажарилди. Янги иш ўринларининг 64 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳисобига тўғри келади.

Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи арафасида пойтахтимизда қурилиш, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, коммунал соҳалардаги ислоҳотларнинг жадал ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кўплаб касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, сузиш ҳавзалари, болалар спорт мажмуалари, ижтимоий-тиббий масканлар барпо этилди. Шу билан бирга, мавжуд тарихий обидалар ва ёдгорликларни юқори малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда ўрганиш, қайта тиклаш ва таъмирлаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Йиғилишда қўлга киритилган ютуқлар билан бирга, мавжуд муаммоларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Шаҳар саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортганига қарамай, айрим туманларда, жумладан, Сергели ва Яккасарой туманларида бу йўналишда ўсиш суръати пастлигича қолмоқда. Ҳудудий инвестиция дастури айрим туманларда тўлиқ амалга оширилмаган, йирик корхоналарнинг касаначиликни ташкил этиш борасидаги имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаётир.

Фаоллар йиғилишида мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ чоралар белгиланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Орипов сўзга чиқди.

* * *

**БУХОРО.** Вилоят фаоллари йиғилишида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастури ижросининг бориши ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг устувор вазифаларини амалга оширишни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан вилоят ҳокими С. Ҳусенов маъруза қилди.

Таъкидланишича, жорий йилнинг дастлабки ярмида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми бир триллион сўмни ташкил этган. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 4,9 фоизга кўп. Саноат ишлаб чиқариш ҳажми 1,4, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажми 5, қурилиш ишлари ҳажми 14,5, чакана савдо ҳажми 13,7, пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми эса 9 фоизга ўсди.

Иқтисодиёт соҳаларига жами 1,1 триллион сўмлик инвестициялар жалб этилди. 42 минг 839 та янги иш ўрни яратилди. Аҳолининг жон бошига ўртача ойлик даромади 39,7 фоизга ўсди. Ҳукумат дастурлари доирасида 12 та лойиҳа устида иш олиб борилмоқда.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасидаги юмушларга 180 миллиард сўм ва 1,4 миллион доллар миқдорида маблағ сарфланди.

Инқирозга қарши чоралар дастури асосида бешта корхонанинг 9 миллиард сўмлик қарзлари кечиктирилди. 6 та корхонага икки миллиард сўмлик имтиёзлар, 1,2 миллиард сўмлик кредит берилди.

Йиғилишда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати республика кўрсаткичига нисбатан пастлиги сабаблари атрофлича таҳлил этилди. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури ижросини таъминлашда оқсашга йўл қўяётган Ромитан, Вобкент, Когон туманлари танқид қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Шоисматов сўзга чиқди.

Шунингдек, Андижон, Жиззах, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида ҳам 2009 йилнинг биринчи ярим йиллигида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда жорий йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг устувор вазифаларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар ижросига бағишланган фаоллар йиғилишлари бўлиб ўтди.

**«Халқ сўзи» ва «ЎзА» мухбирлари материаллари асосида тайёрланди.**

# ФИДОЙИ ҒАЛЛАКОРЛАРГА ЭҲТИРОМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

рининг куй-қўшиқлари байрам файзига файз қўшди.

Байрам тантаналарида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М. Ерниязов иштирок этди.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Тошкент вилояти деҳқонлари ҳам давлатга ғалла топшириш бўйича шартнома мажбуриятини ортиғи билан адо этдилар. Вилоятда 133 минг 500 гектар майдонда ғалла етиштирилди. Ҳосилдорлик ўртача 52,6 центнерни ташкил этди. Вилоят ғалла хирмонининг юксалишида Зангиота, Бекобод, Бўка, Қуйи Чирчиқ, Тошкент, Чиноз, Оққўрғон, Пскент ва Ўрта Чирчиқ туманлари деҳқонларининг улуши салмоқли бўлди. Шу муносабат билан Ўрта Чирчиқ туманидаги Қумовул қўрғонида Тошкент вилояти ғаллакорларининг юксак меҳнат ғалабаларига бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди.

— Бу йилги юксак хирмон замирида вилоятимиздаги беш мингга яқин фермер хўжалиги аъзоларининг самарали меҳнати мужассам, — дейди вилоят ҳокимлигининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича котибияти мудири А. Болтабоев. — Президентимиз Ислом Каримовнинг фермерликни ривожлантиришга қаратаётган юксак эътибори вилоятимизда ҳам ўз самарасини бераётир. Далаларга маҳаллий иқлим шароитига мос «Таня», «Москвич», «Нота» каби эртапишар ва серҳосил навлар экилди. Ҳосилни пешма-пеш ўриб-йиғиб олишда мавжуд техника воситаларидан унумли фойдаланилди.

— Оққўрғон тумани деҳқонлари жорий йилда мўл ғалла ҳосили етиштирди, — дейди туман ҳокими Аҳрор Ғофуров. — Давлатга 27 минг тоннадан ортиқ дон топширилиб, шартнома мажбурияти ортиғи билан уддаланди. Давлатимиз раҳбарининг соҳа ривожига қаратаётган юксак эътибори, яратиб берилган шарт-шароитлар, деҳқонларимиз тажрибаси, туман иқлим шароитига мос серҳосил буғдой навлари экилгани ютуқларимиз омили бўлди.

Айни пайтда ушбу туманда 353 нафар ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилда улар ҳар гектар майдондан ўртача 55 центнердан ҳосил олишга эришди. Бу юксак хирмонга "Тўхтабуви-Саховат", "Эргаш Саиджаҳон", "Дурдона" сингари фермер хўжаликлари қўшган ҳисса, айниқса, катта бўлди.

— Бу йилги мўл ҳосил осонлик билан қўлга киритилгани йўқ, — дейди Тошкент туманидаги "Козим-Миришкор" фермер хўжалиги раҳбари Зоҳид Турсунов. — Ўтган йил куз мавсуми ғаллачилик учун ноқулай келиб, баҳор фасли ниҳоятда серёғин бўлди. Шунингдек, қишлоқ хўжалигидаги турли хил зараркунанда ва касалликлар деҳқонларимизни яна бир бор жиддий синовдан ўтказди. Бу йил 37 гектар майдонга ғалла экиб, ўртача ҳосилдорликни 62 центнерга етказдик. Шартнома мажбурияти ортиғи билан адо этилди.

"Турсуной зиёси" фермер хўжалиги ҳам Янгийўл туманидаги илғор жамоалардан. Бу йил хўжалик аъзолари ҳар гектар ердан ўртача 50 центнердан ҳосил олиб, қабул масканларига минг тоннадан зиёд дон топширди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Президентимиз раҳнамолигида истиқлол йилларида қишлоқ хўжалигида амалга оширилган ислоҳотлар, фермерлик ҳаракатининг ривожига қаратилган юксак эътибор туфайли вилоятда ғаллачилик соҳасида улкан ютуқлар қўлга киритилганини алоҳида таъкидладилар. Жаҳоннинг кўплаб давлатларида молиявий-иқтисодий инқироз юз бераётган ҳозирги шароитда мамлакатимизда ишлаб чиқариш изчил ривожланаётгани, хусусан, ғалла етиштириш самарадорлигини янада ошириш, деҳқон ва фермерларни зарур моддий ресурслар билан таъминлаш, жойларда иқлим шароитига мос янги, серҳосил буғдой навларини яратиш, доннинг сифати ва истеъмол хусусиятларини яхшилаш ишларига алоҳида эътибор қаратилаётгани қайд этилди.

Байрам тадбирида вилоят ғалла хирмони юксалишига муносиб улуш қўшган фермерларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Тадбирда Тошкент вилояти ҳокими Р. Холматов иштирок этди.

**Л. СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Бу йил самарқандлик ғаллакорларнинг ҳам меҳнати баракали бўлди. Ерга уруғ қадашдан тортиб, ҳосилни йиғиштириб олгунга қадар барча агротехника тадбирлари маромида бажарилгани, ўрим-йиғим мавсуми уюшқоқлик билан ўтказилгани натижасида давлатга 263700 тонна ўрнига 298956 тоннадан ортиқ сара дон сотилди. Жами етиштирилган ғалла миқдори 650 минг тоннадан ошиб, ҳосилдорлик суғориладиган майдонларда 54,1 центнерни ташкил этди.

Дастлабки ҳисоб-китоблар бу йил самарқандлик ғаллакорлар тармоқдан 159,3 миллиард сўм даромад, шу жумладан, 31,8 миллиард сўм соф фойда олишини кўрсатаяпти. Эришилган зафарга гектар ҳосилдорлигини 59-61 центнерга етказган Пахтачи, Иштихон, Нарпай ва Оқдарё туманлари ғаллакорлари, айниқса, муносиб ҳисса қўшдилар.

Самарқанд шаҳридаги "Сангизор" масканида вилоят ғаллакорларининг меҳнат зафарига бағишланган "Ҳосил байрами" бўлиб ўтди. Унга вилоятдаги илғор фермер ва деҳқонлар, механизатор ва комбайн операторлари, хизмат кўрсатиш корхоналари вакиллари, мавсум фаоллари, туманлар раҳбарлари таклиф этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда Истиқлол туфайли ғалла мустақиллигига эришилгани, бир вақтлар четдан ун сотиб олган республикамиз эндиликда дон маҳсулотларини экспорт қилаётгани, фермер ва деҳқонлар омборлари ҳар йили ғаллага тўлаётганини таъкидлаб, Президентимиз табригида ғаллакорларга билдирилган ишончни оқлашга сўз бердилар.

— 152 гектар суғориладиган майдоннинг 60 гектарига ғалла экkандик, — деди Иштихон туманидаги "Азиз" фермер хўжалиги раҳбари Ҳусниддин Азизов. — Иқлим ва тупроқ шароитига мос уруғлик — "Уммонка" ва "Восторг" навлари танлангани, ғалла ниҳоллари парвариши ўз вақтида, сифатли ўтказилгани туфайли ҳар гектар ердан 71,5 центнердан ҳосил олиб, давлатга 188 тонна ғалла сотдик. 241 тонна ҳосил эса ўзимизга қолди.

Тадбирда мавсум фаоллари, илғор фермерлар, отряд бошлиқлари, комбайн операторлари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Унинг иштирокчилари пойтахтлик ва маҳаллий санъаткорларнинг куй-қўшиқларини тинглаб, байрамни шодиёна нишонладилар.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# «МЕҲНАТИМИЗ — ЮРТ РАВНАҚИ УЧУН»

## — дейишмоқда наманганлик талаба ёшлар

***Бугун мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Бу жараёнда, айниқса, ёшларимизнинг фаол иштирок этаётгани қувонарлидир.***

### «Бунёдкор — 2009»

Айтиш жоизки, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва бошқа бир қатор мутасадди идоралар билан ҳамкорликда "Бунёдкор" ёшлар меҳнат гуруҳлари ташкил этди. Айни пайтда республикамизнинг барча олий таълим муассасаларида ана шу лойиҳа доирасида тузилган зарбдор жамоаларда минглаб талабалар уюшқоқлик билан меҳнат қилмоқдалар. Хусусан, Наманган вилоятидаги учта олий ўқув юрти — Наманган давлат университети, муҳандислик-педагогика институти ҳамда муҳандислик-иқтисодиёт институтининг 250 нафар талабаси вилоятнинг шаҳар ва туманларида қад ростлаётган мактаб, коллеж, тураржой сингари иншоотларни реконструкция қилиш, қуриш ишларига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

**СУРАТДА:** талабалар Наманган шаҳрида барпо этилаётган тиббиёт касб-ҳунар коллежи қурилишида.

**Ҳ. МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА

***Ўзбекистон Республикаси Олий судининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б. Мустафоев бошқарган йиғилишда таъкидланганидек, мамлакатимизда истиқлол йилларида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, мулк ҳуқуқи билан боғлиқ жараён тубдан ўзгарди, мулк ҳуқуқининг дахлсизлиги таъминланди. Жумладан, Конституциямизнинг 53-моддасида барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баббаравар муҳофаза этилиши белгилаб қўйилган.

Шу билан бир қаторда, жамиятда мулкни талон-торож қилишнинг турлича шакллари учраётганини айтиш жоиз. Суд амалиётидан маълумки, иқтисодий соҳада рўй бераётган жиноятлар кўп қирралилиги, кўламлилиги, мураккаблиги ва ижтимоий хавфлилиги билан бошқа жиноятлардан фарқ қилади. Хусусан, жиноятчилар ўз ноқонуний фаолиятига давлат идоралари, банклар, суғурта компанияларининг мансабдор шахсларини жалб қилишга уринаётгани ҳам иқтисодиёт соҳасидаги қилмишларга алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади.

Пленум муҳокамасига киритилган "Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарор лойиҳаси шу мақсадда тайёрланди. Фирибгарлик, аслида, иқтисодиёт соҳасидаги жиноят шаклларидан бири бўлиб, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш орқали ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритишдир. Бозор иқтисодиёти шароитида бу каби жиноятларнинг кенгаяётгани ва турлича тус олиш жараёни кузатилмоқда. Хусусан, фирибгарлик қилмиши судлар томонидан кўриладиган жиноят ишлари ичида салмоқли ўринни эгаллаётгани шундан далолат. Айни пайтда фирибгарликнинг янги кўриниш ва усуллари юзага келганлиги уларга мантиқий, назарий ҳамда қонун нуқтаи назаридан адолатли баҳо беришда судларга тушунтириш бериш заруратини туғдирди.

Олий суд томонидан республикамиз миқёсида ушбу тоифадаги ишларни кўриб чиқиш амалиёти умумлаштирилиб, ўрганиб чиқилганда, тергов идоралари ва судлар фаолиятида фирибгарлик жиноятининг объектив ҳамда субъектив томонларига баҳо бериш, фирибгарлик жиноятини фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажармасликдан фарқлаш, қилмишни таснифлаш борасида айрим камчиликларга йўл қўйилаётгани маълум бўлди. Шундан келиб чиқиб, йиғилишда "Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарор лойиҳаси атрофлича муҳокама этилди ва тегишли қарор қабул қилинди. Унинг қабул қилиниши қонун меъёрларини аниқ ва бехато қўллашда судларга тушунтириш беришда айни муддаодир.

Йиғилишда шу ва кўриб чиқилган бошқа масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

***Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг кенгайтирилган Раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда республика хўжалик судлари томонидан 2009 йил биринчи ярмида бажарилган ишлар сарҳисоб қилинди.***

# ТАДБИРКОРЛАР МАНФААТИ — ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

### Тадбир

Таъкидланганидек, хўжалик судларининг жорий йил дастлабки олти ойи мобайнидаги фаолияти одил судловни амалга ошириш, хўжалик муносабатларида қонунчиликни мустаҳкамлаш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофазалаш, уларнинг фаолиятига тўсиқ бўлаётган ҳолатларни бартараф этиш билан боғлиқ низоларни ҳал қилишга қаратилди.

Ҳисобот даврида хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорлардан хўжалик судларига келиб тушган даъво аризалар 108 минг 348 тани ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 25 минг 294 тага кўпдир. Суд қарорлари асосида даъвогарлар фойдасига ундирилган қарз ва моддий зарарлар миқдори эса 1 трлн. 600 млрд. сўмни ташкил этди.

Суд таъсирчанлигини таъминлаш борасида хўжалик судлари қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан жами 10552 та суд таъсир чораларини қўллаган. Давлат бошқаруви, назорат қилувчи орган ва маҳаллий ҳокимият идораларининг тадбиркорлик субъектларига нисбатан чиқарган 190 та ҳужжати ҳақиқий эмас, деб топилган.

Президентимизнинг "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига асосан, тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашга доир 6621 та, шу жумладан, 572,9 млрд. сўмлик молиявий санкцияларни қўллаш ҳақидаги аризалар кўриб чиқилган. Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни тартибга солишни таъминлаш мақсадида 22126 та корхона ва ташкилотнинг 193,6 млрд. сўмлик дебиторлик қарзларини, жумладан, хўжалик юритувчи субъектлардан электр энергияси истеъмоли учун ўз вақтида ҳақ тўламаслик юзасидан 47 млрд. сўм, газ истеъмоли учун 9,26 млрд. сўм ундириш ҳақида суд буйруқлари ва қарорлари чиқарилган.

Йиғилишда 2009 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишлар билан биргаликда, одил судловни таъминлаш, хўжалик судларида ишларни ташкил этиш борасида кузатилаётган айрим камчиликлар ҳам танқидий муҳокама қилиниб, уларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**Матбуот хизмати хабарлари асосида Қ. ХИДИРОВ тайёрлади.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Савдолар тўхтатилди

***Филиппин пойтахти Манила шаҳрида жойлашган хом ашё биржасида олиб борилаётган савдолар фавқулодда равишда тўхтатилган.***

Кейинроқ маълум бўлишича, кимдир телефон орқали биржа маъмуриятига қўнғироқ қилиб, ҳудудга бомба ўрнатилганини айтганидан сўнг шундай йўл тутилган. У ердаги одамлар зудлик билан бошқа жойга кўчирилган.

### Қамоқдан қочиб кетди

***Бельгиянинг Брюгге шаҳридаги қамоқхонадан уч нафар маҳбус қочиб кетган.***



"France Presse" ахборот агентлиги хабарига кўра, номаълум шахс унчалик катта бўлмаган вертолётни гаровга олган ва учувчини қамоқхона ҳовлисига қўнишга мажбур қилган. У ердан эса уч нафар маҳбус олиб чиқиб кетилган. Жиноятчилар қамоқхонадан 20 километр узоқликкача вертолётда боришган. Кейин эса "сафар"ни машинада давом эттиришган. Шундан сўнг машина автомобиллар тўхташ жойида қолдириб кетилган. Маҳбусларнинг кейинги ҳаракати ҳақида маълумотлар йўқ. Улар бир аёлни гаровда ушлаб турганликлари тахмин қилинмоқда.

Қочиб кетган маҳбуслардан бири Ашраф Секакки бўлиб, мамлакатнинг энг хавфли жиноятчиси саналади. Шу боис қочоқларни қидириб топиш учун барча чора-тадбирлар ишга солинган.

### A/H1N1 гриппи хавф солмоқда

***Саудия Арабистони Соғлиқни сақлаш вазирлигининг билдиришича, мамлакатда A/H1N1 гриппи билан боғлиқ дастлабки ўлим ҳолати қайд этилди.***



Таъкидлаш жоиз, ушбу хасталикнинг эпидемик тарқалиш хавфи ҳамон юқорилигича қолмоқда. Жумладан, жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, айни пайтга келиб 160 давлатда A/H1N1 гриппи аниқланган. Мазкур хасталик билан оғриган беморлар сони 132 минг кишига етган. Касаллик 429 нафар одамнинг умрига зомин бўлган.

### Ёнғин оқибати

***Швеция пойтахти Стокгольмдан унчалик узоқ бўлмаган Ринкабю шаҳарчасидаги кўп қаватли уйлардан бирида ёнғин содир бўлди.***

Бинонинг биринчи қаватидаги хонадонлардан бирида бошланган ёнғин тез фурсатда бутун иморатни қамраб олган. Олти кишининг қурбон бўлгани айтилмоқда.

Бинога атайин ўт қўйиб юборилган, деган тахминлар бор. Воқеа юзасидан текширув ишлари олиб борилмоқда.

### Бартараф этилди

***Нигерияда ҳукумат қўшинлари ва жангарилар ўртасида тўқнашув бўлиб ўтди.***

Отишмалар чоғида босқинчилардан 42 нафари йўқ қилинган. Баучи шаҳри полицияси вакилининг айтишича, воқеа жангарилар ҳужумидан сўнг бошланган. Тезкор кўрилган чоралар натижасида ҳукумат кучлари босқинни бартараф этган.

Нигерия ҳудудидаги жангарилар мамлакатнинг Нигер давлати билан чегарадош бўлган Йобе штатида жойлашиб олган ҳолда, ўз қабиҳликларини амалга оширмоқдалар. Баъзи бир манбаларда уларнинг "Толибон" жангарилар гуруҳи билан алоқадорлиги хусусида ҳам сўз юритилади.

### Йўлдаги бахтсизлик

***Боливия жанубида автобус жарга қулаб тушди.***



Бу ҳақда "ИТАР-ТАСС" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Фалокат мамлакатнинг Аргентина билан чегарадош ҳудудида содир бўлган. Оқибатда 21 киши ҳаётдан кўз юмган, 25 киши тан жароҳати олган.

Ҳозирча ҳалокатга нима сабаб бўлгани аниқ эмас.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

---

NBU

***Дарҳақиқат, мазкур молия муассасаси вилоятдаги йирик банклар сирасига киради. Унинг таркибида бир қатор шохобчалар, минибанклар, жамғарма кассалари, чет эл валютасида пул ўтказиш имконини берувчи "Мигом", "Быстрая почта" сингари хизмат турлари мавжуд. Улар мижозлар ишончини оқлаш, қулай ва фойдали хизматларни таклиф этиш билан бирга, банк кредитлари эвазига шаҳар ҳамда қишлоқларда истиқболли лойиҳалар асосида янги корхоналар барпо қилиш, юзлаб янги иш ўринлари яратиш, бунёдкорлик ишлари кўламини орттиришдек эзгу мақсадларни амалга оширишга баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқдалар.***

# САРМОЯ – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

***Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Андижон бўлими жамоаси бу қоидага қатъий амал қилмоқда.***

Молия муассасаларида

#### «Сизга хизмат кўрсатаётганимиздан мамнунмиз»

Кейинги йилларда Андижондаги 16-автокорхона ўзининг аввалги шуҳратини йўқотгандек бўлди. Қунимсизлик авж олди. Транспорт воситаларини эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш ва созлаш ишлари издан чиқди. Ана шундай шароитда Миллий банк бўлими ёрдам қўлини чўзди. Яъни, корхонани 100 миллион сўм кредит билан таъминлади. Ташкилот қайта оёққа тургач, ҳайдовчилар ўзларининг қадрдон жойларига яна қайтиб келдилар. Бугунги кунда эса бу корхона вилоятдаги турдошлари ўртасида пешқадамлик қилмоқда.

Ёки бўлмаса, "Бебаҳо қурилиш" масъулияти чекланган жамиятини олиб кўрайлик. Банк мебель ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи бўлган бу тадбиркорларга 100 миллион сўм кредит ажратди. Пировардида 25 киши ишли бўлди. Айни чоғда устоз ва шогирдлар ўзларининг пишиқ, қулай, нархи бирмунча арзон мебель маҳсулотлари билан ички бозорни тўлдирмоқдалар. Буюртмалар сони эса кун сайин ортиб бораётир.

"Андижон-Оқ йўл", "Азиз-Андижон", "Саховат текс" сингари масъулияти чекланган жамиятлар ҳам банк ажратган сармоя ҳисобига қаддиларини тиклабгина қолмай, балки ривожланишнинг ойдин йўлига чиқиб олдилар. "Барака" масъулияти чекланган жамиятида эса 25 та янги иш ўрни вужудга келди.

#### Деҳқонларга мададкор марказ

Фермерлар ва тадбиркорларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида банк бўлимида мева-сабзавотчилик, картошкачилик ва иссиқхоналар ташкил этиш билан шуғулланувчи махсус марказнинг фаолият бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин бу марказ қисқа вақт ичида барча туманлардаги фермерлар ва тадбиркорларни ўз атрофига жамлашга улгурди. Хусусан, "Шокиров Маҳаммадисо", "Хўжаариқ зилол сувлари", "Дил муроди саховати", "Аҳмедова Н" сингари фермер хўжаликлари Хитой усулида, яна бошқалари эса муайян лойиҳа асосида янги иссиқхоналар барпо этиш мақсадида бу ерга келган эдилар. Бугун улар электр энергияси, сув, ўғит тежамкорлигига эришган ҳолда салмоқли ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Шуниси эътиборлики, вилоят ҳокимлиги жорий йилдан бошлаб асаларичилик ҳамда балиқчиликни ривожлантириш масаласига ҳам эътибор қаратмоқда. Зуҳра Сатторова, Шокиржон Хурбоев асаларичилик билан шуғулланиш учун кредит олиш мақсадида марказга келган бўлсалар, Мавлуда Валиева, Мирзажон Бўтабоев эса балиқчиликка қўл уриш ниятида шу молиявий муассасанинг кредитидан фойдаландилар.

Албатта, банк қишлоқ хўжалиги ходимларига имтиёзли кредитлар ажратар экан, бунда, биринчи галда, бозорларнинг расталарини мева ва сабзавотга тўлдириш орқали серобчилик ҳамда арзончиликка йўл очишга, қишлоқ хўжалиги йўналишидаги касб-ҳунар коллежларининг битирувчилари учун иш ўринлари яратишга ҳаракат қилмоқда.

Жаҳон мамлакатлари молиявий-иқтисодий инқироз исканжасида қолган, йирик компаниялар, фирма ва корхоналар боши берк кўчага кириб, ишсизлар сони кун сайин ортаётган бир пайтда бизнинг молиявий муассасаларимиз барқарор фаолият кўрсатиб, жорий йилдан бошлаб озиқ-овқат экинлари етиштиришни кўпайтиришга, халқимизни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан қишин-ёзин таъминлашга бел боғлаган кўплаб фермерларни қўллаб-қувватлаётганлари, айниқса, таҳсинга лойиқдир.

"Андижонёғмой" очиқ турдаги акциядорлик жамияти билан банк ўртасида тузилган шартномага кўра, кунгабоқар етиштираётган фермерларга 226 миллион сўм кредит ажратилди. "Водий пахтаси" масъулияти чекланган жамиятига 100 миллион сўм, яна бир нечта фермер хўжаликларига "Класс-Доминатор" русумли ғалла ўриш комбайнлари сотиб олиш учун 165 миллион сўм миқдорида кредит берилди. Шунинг ҳисобига эса 363 та янги иш ўрни очилди.

Инсон умид билан яшайди. Бу умид орзуларга қанот бағишлайди. Шуни ҳисобга олиб, банк ходимлари ҳар бир мижознинг кўнглига йўл топмоқ, хоҳиш ва истакларига қулоқ тутмоқ, бизнес-режалари мукаммал бўлса, моддий жиҳатдан ёрдам бермоққа интилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган беш ойи мобайнида банк 2 миллиард 79,1 миллион сўм даромад кўргани, шундан соф фойда 278, 4 миллион сўмни ташкил этиб, бу борадаги режа 157,8 фоизга бажарилгани, аслида, банк ва мижоз ўртасидаги муносабатлар тобора мустаҳкамланиб бораётгани, хизмат кўрсатиш маданияти такомиллашаётганидан далолат беради, албатта.

#### Электрон ҳамённинг афзаллиги

Айни кунларда пластик карточкалар нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимида тўлов воситаси сифатида алоҳида ўрин эгаллаётгани ҳаммага маълум. Зеро, бу мижозларга қулай банк хизматлари кўрсатиш имконини яратибгина қолмай, балки пул айланмалари ҳаракатини тезлаштириш имконини бераётир. Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида қарздорлик ва дебиторлик ҳолатлари ҳажмини камайтириб, пул муомаласини назорат қилишни янада соддалаштираётир. Банк бўлимида пластик карточкалар эмиссиясининг 77152 тага етгани, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида жамоа томонидан бир қатор озиқ-овқат дўконлари, автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари ва бошқа турдаги савдо тармоқларига терминаллар ўрнатилганининг сабаби шунда.

— Мижозларимиз сафи тобора кенгаяётганидан мамнунмиз, чунки бундан ҳар икки томон манфаатдордир, — дейди бўлим бошқарувчиси Ғофуржон Абдураҳмонов. — Шундай экан, бизнес-режалар тузаётган ҳамда бизга мурожаат этаётган тадбиркор ва фермерлар билан доимий ишлашга эътибор қаратаверамиз. Сабаби, сармоядорлар қанча кўпайса, юртимиз шунча обод бўлиб, аҳоли турмуш даражаси янада юксалаверади.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

## «БАРАКА» БАРАКАЛИ БЎЛАДИ

***"Ёғ-мой ва озиқ овқат саноати" уюшмаси тизимидаги бир қатор корхоналарда "Барака" деб номланган махсар ёғи ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.***

Изланиш

Президентимизнинг "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси бўйича уюшма бир қатор ижобий ишларни амалга оширди. Жумладан, фермер хўжаликлари билан ноанъанавий ўсимликлар етиштириш бўйича шартномалар тузилиб, 49,2 минг гектар лалми майдонга махсар, 17,4 минг гектарга кунгабоқар экилди.

Бу йил махсар етиштириш ҳисобига янги турдаги "Барака" ёғи ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. "Барака"нинг турдош маҳсулотлардан афзаллиги шундаки, у пахта ва махсар ёғи аралашмасидан тайёрланиб, таркибида инсон организми учун ғоят фойдали бўлган макро ва микро элементлар мавжуд.

**Ф. КАЛОНОВ.**

---

## ҲОМИЙЛАР ҲИММАТИ

***Мамлакатимизда аҳолининг моддий-маънавий кўмакка эҳтиёжманд қатламига доимий равишда эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилиб келинмоқда.***

Ғамхўрлик

Жумладан, кам таъминланган оилаларни моддий рағбатлантириш мақсадида уларга бепул қорамол берилаётгани бунга яққол мисолдир.

Яқинда Олмалиқ шаҳрида ана шундай тадбир ўтказилиб, шаҳардаги ташкилотлар ҳомийлигида 40 та оилага қорамол тарқатилди.

Умуман, шаҳарда шу вақтгача 500 дан ортиқ оилага чорва моллари инъом қилинди.

**Т. ҲАСАНОВ.**

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР
ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ
КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ "КЧМ"
РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%
а также:
товар сертифицирован
форма оплаты-любая
КАФЕЛЬ
(облицовочный и напольный)
САНТЕХНИКА
(унитазы , умывальники в большом ассортименте)
ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ
Тел.: 333-71-55, факс: 267-35-73
Торговый магазин: ул. Уста Ширин, 125 внутри строительного рынка № 127
zakamsk-group@mail.ru

## ТЕНДЕР САВДОСИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

Сана — **2009 йил 24 июль.**
Заём № — **UZB-0027.**
Лойиҳа номи — **Ислом тараққиёт банки иштирокида «Бешта касб-ҳунар коллежини қуриш ва жиҳозлаш».**

### ХАЛҚАРО ТЕНДЕР САВДОЛАРИ

**1.** Ислом тараққиёт банки (ИТБ) томонидан Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-ҳунар коллежларини қуриш ва жиҳозлаш лойиҳасини амалга ошириш ва молиялаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига имтиёзли кредит ажратилган бўлиб, ушбу маблағнинг маълум бир қисми қуйида келтирилган касб-ҳунар коллежларининг қурилиши билан боғлиқ шартнома доирасидаги тўловларга сарфланиши кўзда тутилган. Тендер савдосида ИТБнинг маҳсулот ва хизматлар хариди бўйича йўриқномасига асосан, ИТБга аъзо давлатлардан хоҳлаган ташкилот иштирок этиши мумкин.

**2.** Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази барча қонуний ҳуқуққа эга бўлган фирмаларни қуйидаги объектларнинг қурилиши бўйича муҳрланган таклифларини тақдим этишга чақиради.

| Лотлар | Касб-ҳунар коллежларининг номи | Йўналиш | Ўқувчи ўрни |
|---|---|---|---|
| Лот-1. | Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги касб-ҳунар коллежи | Ижтимоий соҳа | 540 |
| Лот-2. | Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги касб-ҳунар коллежи | Иқтисодиёт соҳаси | 540 |
| Лот-3. | Сурхондарё вилояти Ангор туманидаги касб-ҳунар коллежи | Иқтисодиёт соҳаси | 540 |
| Лот-4. | Самарқанд шаҳридаги касб-ҳунар коллежи | Саноат (машинасозлик) | 540 |
| Лот-5. | Тошкент вилояти Бекобод туманидаги касб-ҳунар коллежи | Саноат (транспорт) | 540 |

**3.** Тендер ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳузуридаги лойиҳани амалга ошириш гуруҳидан қуйидаги манзил бўйича олиш мумкин: Тошкент шаҳри, 100095, Собир Раҳимов тумани, 2-Чимбой кўчаси, 96-уй.

**4.** Тендер ҳужжатлари ҳар бир пакети учун 200 (икки юз) АҚШ доллари ёки сўмдаги эквивалент қийматида қопланадиган миқдордаги маблағда тўлов амалга оширилиши керак.

**5.** Тендер ҳужжатлари савдо бошланган пайтдан бошлаб 150 кун давомида ҳақиқий бўлиши ва таклиф этилган сумманинг 2,5 фоизи билан кафолатланиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳузуридаги лойиҳани амалга ошириш гуруҳи раҳбари П. Собиров номига тақдим этилиши лозим. Конвертда «Бешта касб-ҳунар коллежларини қуриш ва жиҳозлаш» лойиҳаси бўйича тендерда иштирок этиш учун буюртманома» деган ёзув бўлиши керак. Таклифлар иштирок этишни хоҳлаган савдо қатнашчилари вакиллари иштирокида очилади.

**6.** Таклифларни баҳолаш вақтида маҳаллий ихтисослашган иштирокчилар 10 фоизли устама олиш имкониятига эга бўлади.

**7.** Тендер ҳужжатлари 2009 йил 6 сентябрь соат 18.00 гача қабул қилинади. Тендер таклифларининг очилиши Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази биносида, юқорида кўрсатиб ўтилган манзилда бўлади.

**Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи:**
**Тошкент шаҳри, 100095, Собир Раҳимов тумани, 2-Чимбой кўчаси, 96-уй.**
**Факс: (+99871) 246-27-61.**
**E-mail: uzb-0027@mail.ru**

Завод TTEMZ изготавливает и реализует:
КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А
предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий
▪ максимальная грузоподъемность – 8 т
▪ максимальная длина стрелы – 30 м (с кареткой)
▪ максимальная высота подъема гор. – 41,5 м, наклонно – 57,5 м




АВТОКРАНЫ:




для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах
КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ
▪ максимальная грузоподъемность – 14 т
▪ максимальная высота подъема – 14,5 м
КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ
▪ максимальная грузоподъемность – 16 т
▪ максимальная высота подъема – 22 м
КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ
▪ максимальная грузоподъемность – 25 т
▪ максимальная высота подъема – 29 м (с гуськом)
ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА
Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05, ф. 262-39-66.
E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати жамоаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Эргаш Раҳматуллаевич Шаисматовга оналари **СОЖИДАХОН аянинг** вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита жамоаси қўмита раҳбари Ортиқбек Юсуповга онаси **НАФИСА аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳайъати ҳамда касаба уюшмаси бирлашган қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Санъатшунослик институти директори Шокиржон Пидаевга акаси **Тоҳир ПИДАЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси ҳуқуқшунослик факультетининг давлат ва ҳуқуқ назарияси ва халқаро ҳуқуқ кафедраси доценти, юридик фанлари номзоди **Қурбонали Тўлаевич ХОЛМЎМИНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг яқинлари ва оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

